O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

«...БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ТАЪСИРИ ВА ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИНИ, ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА, УНИНГ НАФАСИНИ ЎЗИДА САҚЛАБ КЕЛАЁТГАН МАРҒИЛОНДЕК ШАҲАРЛАР, ЎЙЛАЙМАНКИ, ЕР ЮЗИДА КАМДАН-КАМ ТОПИЛАДИ».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 8-sentabr • Shanba • 111 (27.756) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАРҒИЛОН ШАҲРИНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун, мана шу муборак кунда сиз азизлар билан қадимий ва навқирон Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйи муносабати билан шу табаррук заминда тўпланиб турибмиз.

Барчангизни, аввало кўпни кўрган, бағрикенг ва оққўнгил Марғилон элини, Фарғона водийси аҳлини, бутун халқимизни ана шу қутлуғ айём билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Мана шу тантанали маросимда иштирок этаётган чет эллик ҳурматли меҳмонларимизни самимий қутлаб, уларга сизларнинг номингиздан, халқимиз номидан эзгу тилаклар билдиришга ижозат бергайсиз.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Бугун барчамиз учун ҳақиқатан ҳам қувончли ва унутилмас тарихий кун. Яъни, Марғилон шаҳрининг дунёда эътироф этилган энг қадимий шаҳарлар рўйхатига киритилиши, бу муқаддас заминда туғилиб яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг келажак авлодларга қолдирган бебаҳо меросини, ноёб тарихий обидалар ва табаррук қадамжоларни ардоқлаб, ўтмишга ҳурмат ва эҳтиром намунасини кўрсатиб келаётгани, бир сўз билан айтганда, Марғилон шаҳрининг жаҳон маданияти ва цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасининг ЮНЕСКО ва унинг тимсолида халқаро жамоатчилик томонидан тан олиниши албатта барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Чиндан ҳам, бундан йигирма аср муқаддам Марғилонсой соҳилларида вужудга келган, юртимиздаги илк одамзод масканларидан бири бўлган бу шаҳар ўлкамизда ўтроқ ҳаёт, юксак деҳқончилик ва суғориш маданияти олис замонларда шаклланган ва равнақ топганидан далолат беради.

Кўҳна Марғилон замини ўзининг ноёб ҳунармандчилик маҳсулотлари билан Миср ва Юнонистон, Сурия ва Византия, Эрон ва Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатларда маълуму машҳур бўлгани ҳам буни тасдиқлайди.

Табиийки, Марғилоннинг бошқа кўҳна шаҳарларга ўхшаш жиҳатлари бор, лекин у кўпгина ўзига хос белгиаломатлари билан алоҳида ажралиб туради.

Илмий манбалар, археологик қазишмаларнинг гувоҳлик беришича, Марғилон ўта ноёб бир хусусиятга эга бўлиб, 2000 йил олдин аждодларимиз айнан шу ерда илдиз отиб, шаҳар пойдеворини қургани ва орадан шунча вақт ўтганига қарамасдан, унинг ўз тарихий ҳудудида бугунги кунга қадар муқим ривожланиб келаётгани ҳар қандай одамни ҳам ҳайратда қолдиради.

Албатта, бу ҳолнинг асл сири ва сабабларини аниқлаш учун ҳали яна кўп тадқиқот ва изланишлар олиб бориш талаб қилинади.

Милоддан олдин пайдо бўлиб, Хитойдан то Испаниягача бўлган белоён ҳудудни қамраб олган Буюк ипак йўли қанча-қанча манзилу маконларни кесиб ўтган. Бу ҳақда гапирганда, шуни таъкидлаш керакки, бугун ана шу шаҳарларнинг аксарияти фақат қадимий хариталарда сақланиб қолганини кўриш мумкин.

Лекин Буюк ипак йўлининг таъсири ва тарихий илдизларини, таъбир жоиз бўлса, унинг нафасини ўзида сақлаб келаётган Марғилондек шаҳарлар, ўйлайманки, ер юзида камдан-кам топилади.

Айниқса, бу гўзал диёр ҳанузгача бутун дунёни мафтун этадиган шоҳию адрас, ипак маҳсулотлар маркази бўлиб қолаётгани, бундай ўта нозик ҳунарнинг моҳир усталари шу юртда камолга етаётгани ҳам шуни исботлайди.

Айни пайтда Марғилон шаҳрининг миллий давлатчилигимиз ривожида ўзига хос из қолдиргани ҳам ҳозирги кунда кўп-кўп илмий далиллар асосида аён бўлмоқда.

Бунинг тасдиғини аввало олис ўтмишда бу ерда мустаҳкам қалъа ва саройлар, мудофаа иншоотлари, эллик чақирим наридан кўринадиган баланд минора мавжуд бўлгани, пул чиқариш йўлга қўйилгани мисолида кўриш мумкин.

Марғилон ҳақида сўз борар экан, буюк аждодимиз Бобур Мирзонинг, билаги зўр инсонлар, яъни энг ботирполвонлар Марғилон заминидан чиқади, деган сўзлари, ҳеч шубҳасиз, бугунги ҳақиқатни ҳам ифода этади. Ўз-ўзидан равшанки, барча кўҳна шаҳарлар қатори Марғилон ҳам асрлар давомида турли синов ва суронларни бошидан кечирди. Лекин ана шундай жасур ўғлонлари, уларнинг ҳар қандай шароитда ҳам ўз юртини ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга қодир бўлгани, фидойилиги ва матонати ҳисобидан Марғилон шаҳри, мана, икки минг йилдирки, ўзлигини сақлаб, ўтмишга ҳурмат ва эҳтиром билан қараб, безавол яшаб келмоқда.

Шу борада Марғилоннинг муқаддас ислом динимиз, мусулмончилик ақидаларининг равнақ топишига улкан ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш ўринли, деб ўйлайман.

Бу шаҳарнинг тарихий қиёфасини ўзида мужассам этган Пурсиддиқ мажмуаси, Улуғмозор зиёратгоҳи, Увайсий мақбараси, Хожа Саид Аҳмад мадрасаси каби қатор меъморий обидаларни қайта тиклаб, тубдан таъмирлаганимиз бебаҳо маънавий меросимизни асраб-авайлаш йўлида яна бир амалий қадам бўлди.

Табаррук Марғилон диёрида дунёга келиб камол топган буюк алломалар миллий салоҳиятимиз, миллий тафаккуримиз қудратини намоён этадиган ўлмас асарлар яратгани ҳам бу заминнинг илоҳий хосиятидан далолат беради. Ҳеч шубҳасиз, бундай беназир зотлар аввало Оллоҳнинг назари тушган, унинг ўзи азиз қилган муқаддас жойдангина етишиб чиқади, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Биз Марғилон деганда, аввало нафақат Ўзбекистон, балки бутун ислом оламининг фахри бўлмиш Бурҳониддин Марғиноний бобомизнинг муборак номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Мусулмон уммати орасида «Ҳидоят йўлининг сарбони» деган юксак эътирофга сазовор бўлган бу мумтоз сиймонинг буюк мероси, ибратли ҳаёти ва маънавий жасорати тўққиз асрдан буён ўзининг улкан аҳамияти ва қадр-қимматини сақлаб келмоқда.

Марғилоннинг мўътабар заминида бу улуғ зотнинг кўплаб сафдош ва изданошлари илму маърифат, дину диёнатни юксалтириш йўлида беқиёс хизматлар қилгани ҳам кейинги йилларда ўз исботини топаётгани эътиборга сазовор.

Айниқса, ислом ҳуқуқи ва фалсафаси ривожига муносиб ҳисса қўшган Ҳасан Марғиноний ва Заҳириддин Марғиноний, Муҳаммад Марғиноний каби алломаларнинг ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш, жамоатчиликка етказиш бўйича бошлаган ишларни давом эттиришимиз зарур.

Ана шундай сиймолар қаторида аёл қалбининг гўзаллиги, пок муҳаббат, вафо ва садоқат туйғуларини куйлаб ўтган атоқли шоира Жаҳон отин — Увайсий ўзининг бетакрор ижоди билан тарихимизда муносиб ўрин эгаллайди.

Энг муҳими шундаки, бундай бебаҳо мерос намуналари бугунги кунда ҳам маънавиятимизни юксалтириш, ёш авлодимизни иродаси бақувват, иймон-эътиқодини мустаҳкам этиб тарбиялашда беқиёс хизмат қилмоқда.

Ўйлайманки, ана шу улуғ зотларнинг руҳи покларини шод қилиш мақсадида уларнинг қадамжоларини ҳар томонлама обод қилиб, хотираларига ҳурмат-эҳтиром бажо келтираётганимиздан аввало ўзимиз руҳий қувват, маънавий мадад топмоқдамиз.

Азиз дўстлар!

Марғилон заминининг ўзига хос хусусият ва аломатлари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин бу шаҳарга минг йиллар давомида алоҳида файз ва тароват бағишлаб келаётган Марғилон аҳлини ҳар қанча таърифласак, ҳар қанча улуғласак арзийди, албатта.

Ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик, ширин сўз ва муомала, одобахлоқ ва андиша каби фазилатлари билан ажралиб турадиган, ҳатто боласини ҳам сизлаб гапирадиган Марғилон аҳли доимо бошқаларнинг ҳавасини ўзига тортиб келади.

Шахсан мен Марғилоннинг чеҳраси очиқ, юз-кўзидан нур ёғилиб турадиган фариштадек нуроний оқсоқолларини кўрганда, уларнинг қўлини олиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, марғилонча айтганда, отамлашиб суҳбат қургим келади. Ўзининг меҳнаткаш ва чеварлиги билан ном қозонган, ота-боболаримиздан қолган ажойиб касбу ҳунарларнинг соҳибаси бўлиб, шу билан бирга, замонавий билим ва малака эгаси бўлмиш Марғилон аёллари, меҳрибон ва мунис аяжонлар ҳар қандай юксак ҳурмат ва таҳсинга сазовордир.

Ишончим комилки, Марғилонда лоақал бир марта бўлган кишининг хаёлида бу шаҳар аҳлининг истараси иссиқ, самимий қиёфаси узоқ вақт сақланиб қолади.

Биз Марғилоннинг қутлуғ тўйи муносабати билан ана шу одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйиб, янги уй-жойлар, бозор ва дўконлар, замонавий корхоналар қуриш, янги-янги йўллар, газ ва сув, алоқа тармоқларини барпо этиш, тиббиёт ва транспорт, маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, бир сўз билан айтганда, марғилонликларнинг ҳаёт даражасини кўтаришга қаратилган катта бунёдкорлик ишларини амалга оширганимиздан барчангиз хабардорсиз.

Айниқса, Марғилонда туғилиб, унинг тупроғини кўзига тўтиё қилиб яшайдиган болаларимизнинг истиқболини ўйлаб, уларнинг соғлом ва баркамол вояга етиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш мана шу юбилей тадбирларининг асосий мақсади ва моҳиятини белгилайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу ўтган қисқа муддатда шаҳарда янги тиббиёт коллежи ва замонавий мактаблар, Ёшлар хиёбони, аквапарк, ёпиқ сув саройи, муҳташам амфитеатр барпо этилгани, Болалар ижодиёти маркази, бир қатор мактаб ва боғчалар, 7 та поликлиника капитал таъмирлангани, шаҳар туғуруқхонаси тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани ва бошқа кўп-кўп ишларимиз барчамизга катта мамнуният етказади. Нега деганда, бу дунёда одамзод учун ўз фарзандининг бахтини, камолини кўришдан ортиқ саодат йўқ.

Марғилоннинг қутлуғ тўйи муносабати билан бу ерда бажарган ишларимиз ҳақида кўп гапирмасдан биргина рақамни келтириш ўринли деб биламан.

(Давоми 2-бетда)

ОЗОД ВА ОБОД ЮРТ ДУРДОНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 сентябрь куни Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этди

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида маънавий сарчашмаларимиз қайта кўз очди. Айниқса, миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни чуқур ўрганиш, меъморий ёдгорликлар ҳамда зиёратгоҳларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк алломаларимиз ва қадимий шаҳарларимизнинг юбилейлари халқаро миқёсда нишонланаётгани ҳам бунинг яққол далилидир.

Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши каби шаҳарларимиз Шарқнинг маърифат бешиги сифатида машҳур. Буюк ипак йўлида жойлашган қадимий ва навқирон Марғилон ҳам мамлакатимизнинг шонли тарихи, миллий қадриятларимизнинг шаклланиши ва ривожланишида алоҳида ўрин тутади.

2-бет

ЎзХДП ҳаёти

«МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ»ДА

ЎзХДП ФАОЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ

Биринчи дарс, ўқишнинг илк соати илм толиблари учун унутилмас ва ҳаяжонли кечади. Чунки айнан шу дарсда айтилган ҳар бир сўз, ҳар бир калом уларнинг умрбод ёдида қолади. Илм даргоҳига меҳр-муҳаббат, қизиқиш ва иштиёқ ҳам айни шу илк сабоқдан бошланади. Шу боис, республикамиз мактабларида ҳар йили ўтказиладиган «Мустақиллик дарслари»га алоҳида эътибор, масъулият билан ёндошилади. Бу тадбирларни ташкил этишга кўмаклашиш, илк сабоқни мазмунли ва эсда қоларли ўтказишга ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъатининг қарори қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ республикамизнинг барча ўқув масканларида ўтказилган «Мустақиллик дарслари»да Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар, партия сайланма органлари аъзолари ва жамоатчилик ҳурмат-эътиборидаги кишилар фаол иштирок этдилар.

— Бу қарор замирида ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадлари борлигини алоҳида таъкидлаш керак, — деди биз билан суҳбатда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева. — Хусусан, ёшларга бугунги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, сиёсий жараёнлар, мустақиллик йилларида юз бераётган улкан бунёдкорона ўзгаришлар, ютуқларимиз ҳақида бевосита шу ишларнинг ичида юрган Олий Мажлис Сенати аъзолари, депутатлар, партия фаоллари, меҳнат фахрийларининг ўзлари ҳаётий мисоллар билан гапириб бериши ҳам жонли, ҳам қизиқарли бўлиши табиий. Бу хайрли ишларда фаолларимиз катта қизиқиш би-

(Давоми 2-бетда)

УЧРАШУВЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

— Қисқа муддат ичида таълим тизимида жуда улкан ютуқларга эришилди, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси, Янгиер шаҳар академик лицейи директори, ЎзХДП фаоли Мамарайим Исроилов. — Ўн икки йиллик таълимга ўтилгани амалда ўз самараларини бера бошлади. Ёшларимиз дунёдаги ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитлар, қулайликларга эга бўлган замонавий таълим муассасаларида таҳсил олаяптилар. Нафақат ушбу ютуқлар, балки барча соҳалардаги муваффақиятларимиз ҳақида ўқувчиларимиз билан тез-тез мулоқот қилиб турамиз. Бу йилги биринчи дарсимизда партиямиз фаоллари иштирок этгани ёшларда катта таассурот қолдирди. Ўқувчилар ўз ўқитувчиси каби четдан келган кишиларни ҳам бошқача қабул қилади. Шунинг учун ўзаро савол-жавоблар жуда жонли ўтди.

Бу каби тадбирлар ҳақида республикамизнинг турли ҳудудларидан таҳририятимизга хабарлар келиб турибди. Жумладан, Чирчиқ шаҳридаги 24-мактабда бўлиб ўтган «Мустақиллик дарси»да халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати Татьяна Коваль иштирок этди. Ўзбекистон Халқ шоири, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Маҳмуд Тоир Паркент туманидаги 46-мактаб юқори синф ўқувчилари билан мулоқот ўтказди. Партиямиз фаоллари Ўзбекистон мустақиллигининг тарихий аҳамияти, Истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг ғоялари, биз қураётган адолатли фуқаролик жамиятининг моҳияти ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар каби масалаларга алоҳида эътибор қаратдилар.

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги «Илғор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Аҳмаджон Зокиров маҳаллада жойлашган 132-мактабга тез-тез бориб туради. Мактаб жамоаси ва ўқувчилар билан бўлган бу галги учрашув алоҳида мазмун касб этди. Депутат Президентимизнинг ёшларга қарата айтган фикрлари, уларга яратилган имкониятлар ҳақида алоҳида тўхталди. Мустақилликнинг моҳияти ҳақида мактаб, маҳалла — ён-атрофимизда бўлаётган ўзгаришлар мисолида фикр юритди.

— Биз мустақиллик ёшларимиз, — дейди мактаб ўқувчиси Лобар Маннопова. — Озодлик, эркинлик шароитида улғаяяпмиз. Илм олишимиз, касб-ҳунар ўрганишимиз учун барча шароитлар яратилган. Биздан талаб этиладигани — фақат яхши ўқиш, келажакда яхши мутахассис бўлиб етишиш.

Мамлакатимизнинг таълим муассасаларида ЎзХДП фаоллари иштирокида ўтган «Мустақиллик дарслари» ўқувчи ва талабаларда катта таассурот қолдирди, янги-янги фикрлар уйғотди. Ёшлар ва фаоллар энди йил давомида учрашиб туришга келишиб олдилар. Демак, «Мустақиллик дарслари» давом этади.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАРҒИЛОН ШАҲРИНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Шаҳардаги қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига жами бўлиб 30 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланганининг ўзи амалга оширилган ишларнинг ҳажми ва кўламини яққол кўрсатиб турибди.

Муҳтарам дўстлар!

Марғилон деганда, ўзбек маданияти тарихида улкан ўрин тутадиган буюк санъаткорлар сиймоси беихтиёр кўз ўнгимизда жонланади.

Мана шу заминда униб-ўсган, ҳар бири ўзига хос бетакрор ижодий мактаб яратган Юсуфжон қизиқ Шакаржонов ва Уста Олим Комилов, Муҳиддин Қориёқубов, Тамарахоним ва Гавҳархоним, Маъмуржон Узоқов ва Жўрахон Султонов, Саодат Қобулова ва Берта Давидова сингари ўнлаб мумтоз санъаткорларимизнинг номларини эл-юртимиз ҳамиша эъзозлаб келади.

Айнан Марғилондан — ҳаётни, гўзалликни севадиган, адабиёт ва санъатни теран тушунадиган, истеъдод ва қобилиятни юксак қадрлайдиган одамлар яшайдиган маънавий муҳитдан мана шундай улуғ санъаткорлар етишиб чиқиши асло тасодиф эмас, аксинча, қонуний бир ҳол, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Буюк адибимиз Абдулла Қодирий ўзининг «Ўткан кунлар» романида гўзал ва оқила Кумуш сиймосини айнан ҳаётдан олиб тасвирлагани учун ҳам орадан юз йил ўтган бўлса ҳамки, китобхон халқимиз Марғилон деганда, аввало, ана шу ўлмас образни хаёлидан ўтказади.

Буларнинг барчаси Марғилон аҳлининг асл инсоний фазилатлар, миллий қадриятларимизни қанчалар эъзозлаб, кўз қорачиғидай асраб келаётганини, унинг маънавий олами нақадар бой ва юксак эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилотига, шу тўйни ўтказишга муносиб ҳисса қўшган, Марғилон шаҳрини доимо ҳурмат билан тилга оладиган узоқ-яқиндаги барча дўсту биродарларимизга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Марғилон шаҳрининг қиёфасини тубдан ўзгартириш, одамнинг ҳавасини уйғотадиган янги равон йўллар, гўзал майдон ва хиёбонлар, шинам тураржойлар, маданий-маиший иншоотларни бунёд этишда фидокорона меҳнат қилган қурувчи ва муҳандислар, ана шу эзгу ишга хизмати сингган барча инсонларга самимий ташаккур изҳор этаман.

Азиз юртдошлар!

Бугун Марғилоннинг 2000 йиллик санасига бағишланган саъй-ҳаракатларимиз, амалга оширган ишларимиз ҳақида гапирар эканмиз, бу байрамни Хива, Самарқанд ва Бухоро, Қарши ва Термиз, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимизнинг тўйлари қаторида ўтказилаётганини, авваламбор юртимизнинг нақадар кўҳна ва шонли тарихга эга бўлгани, биз яшаётган бу заминнинг ҳар қарич ери муқаддас эканининг яққол далили ва исботи сифатида қабул қилишимиз даркор.

Агарки бу масалага холисона қарайдиган бўлсак, бундай юксак шарафга муносиб бўлган шаҳар ва масканлар юртимизда кўп. Фақатгина мана шу Фарғона водийсининг ўзида латиф шаҳар деб ном олган Қўқон, қадимий Андижон, гўзал Наманган, кўҳна Ахсикент каби тарихимизда чуқур из қолдирган шаҳар ва қўрғонларнинг номларини улуғлаш ва уларнинг ҳам қутлуғ саналарини кенг миқёсда нишонлаш — буларнинг барчаси бизнинг олдимизда турган катта вазифадир.

Насиб этса, уларнинг тўйларига бағишланган тайёргарлик ишларини ва тантаналарини барчамиз биргаликда ўтказамиз, иншоолло.

Азизларим, қадрдонларим!

Одамга мамнуният ва хурсандчилик етказиб, қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдирадиган мана шундай шукуҳли дамларда сизларга ўзимнинг чуқур ва самимий ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака, ишларингизга янгидан-янги омадлар тилайман.

Марғилон шаҳрининг, она Ўзбекистонимизнинг шуҳрати янада зиёда бўлсин!

Оллоҳнинг ўзи барча эзгу ишларимизда мададкор бўлсин!

Истиқлол имкониятлари

КУЗНИНГ

Оқолтин туманининг Бўстон қишлоғига йўлимиз тушди. Куни кеча Истиқлолимизнинг 16 йиллигини шоду хуррамлик билан нишонлаган, бугун эса ҳаётнинг ўзига хос қувончлари-ю, ширин ташвишлари билан яшаётган қишлоқ одамларининг турмуш тарзи билан танишдик, шу баҳона уларнинг ўй-фикрлари, мулоҳазаларини қоғозга туширдик.

Қишлоқ туман марказидан 40-45 чақирим олисда, чўл ичкарисида жойлашган. 1172 оилада 5263 нафар фуқаро истиқомат қилади. 2 та маҳалла, 1 та қишлоқ врачлик пункти, алоқа бўлими, 2 та умумтаълим мактаби, йигирмага яқин умумий овқатланиш ва савдо шохобчалари мавжуд. Қишлоқда 180 нафар фермер бўлиб, улар бу йил 7400 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Ичимлик суви, табиий газ, электр қуввати таъминоти масалаларида муаммо йўқ. Бундай ташвишлар пайдо бўлган тақдирда ҳам имкон қадар жойида ҳал этилмоқда.

Бундан қишлоқда барча бир хилда фаровон яшамоқда экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Чунки ҳамма жойда бўлгани каби бу ерда ҳам турлича ишлаётган ва меҳнатларига яраша ҳар хил шароитда яшаётганлар йўқ эмас. Аниқроқ қилиб айтганда, қишлоқнинг ўзига тўқлари ҳам, ўрта ҳол хонадонлари ҳам, табиийки, кам таъминланган оилалари ҳам бор. Аммо бўстонликларга хос бир хислат, фазилат борки, бунга энди тан бермасликнинг, қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Улар бойларимиз ҳам ўзимизники, камбағалларимиз ҳам бегона эмас, қабилида умргузаронлик қилишни одатга айлантиришган. Бир-бирларидан маслаҳатларини ҳам, зарур пайтда ёрдамларини ҳам аямайдилар. Бойлари топганини қўни-қўшнилар билан баҳам кўришади. Биттасининг бошига иш тушса, ўнтаси кўмакка шай. Шунинг учун бўлса керакки, бу қишлоқнинг файзи бошқача ва бу ерда яшашнинг гашти ҳам ўзгачадай туюлади киши назарида.

Шавкат УММАТОВ, «Улуғбек» фермер хўжалиги раҳбари:

— Қишлоғимизнинг исми жисмига мос. Равон кўчалари, хиёбону гулзорлари, бири биридан кўркам уй-жойлари... Шинамгина шаҳарча дейсиз. Биз — фермерлар шундай қишлоқни янаям гўзал, баҳаво масканга айлантиришдек қутлуғ ишга ҳисса қўшишни ўзимиз учун шараф деб биламиз. Шу мақсадда уч-тўртта фермер бир бўлиб қишлоқ врачлик пунктига янги «Тез ёрдам» автомашинаси олиб бердик, бошқалар эса ичимлик суви, табиий газ тармоқларининг эскирган қисмларини таъмирлаш, кўчаларни тартибга келтиришга кўмаклашяпти. Аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоялаш, боқувчисини йўқотган оилалардан олий ўқув юртига кирган ўғил-қизларнинг шартнома тўловларини ижобий ҳал этиш сингари масалалар ҳам эътибордан четда эмас.

Муҳаббат ЁРБЕКОВА, уй бекаси:

— Бу қишлоққа тоғли Зомин туманидан келин бўлиб тушганман. Шунга ҳам йигирма йилдан ошди. Ўшанда турмуш ўртоғим Маматқул Ёрбеков оддий тракторчи эди.

ОЗОД ВА ОБОД ЮРТ ДУРДОНАСИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 9 ноябрда қабул қилинган «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорини бутун юртдошларимиз кўтаринкилик билан кутиб олди. Мазкур қарор миллий маънавиятимизни юксалтириш, Марғилондаги тарихий обидаларни тиклаш, уни обод этиш ва шаҳар аҳли фаровонлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Бой тарихи ва бетакрор маданияти, маънавият ва маърифати билан дунё халқлари диққатини ҳамиша ўзига тортган икки минг ёшли Марғилон бугун ҳар қачонгидан ҳам тароватли манзара касб этган.

Дарҳақиқат, қадимий шаҳар қисқа вақт ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Юбилей муносабати билан барпо этилган иншоотлар орасида Ёшлар хиёбони алоҳида ўрин тутади. У аквапарк, 1400 ўринли амфитеатр, чойхона, интернет-кафе ва кўплаб аттракционларни ўз ичига олган. Қарийб 10 гектар майдонни эгаллаган хиёбоннинг каттагина қисми кўкаламзор.

...Қутлуғ тўй суруридан янада гўзал ва кўркам қиёфа касб этган ушбу хиёбон марказидаги амфитеатр Марғилон юбилейи шодиёналарининг иштирокчилари — Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан гавжум.

Соат 18.30. Юбилей тантаналари бошланишидан дарак бериб чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари тантана иштирокчиларини, уларнинг сиймосида Фарғона аҳлини, бутун халқимизни Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи билан муборакбод этди. Бугунги кунда Марғилон шаҳри нафақат тарихий маскан, балки навқирон ва замонавий шаҳарга айланганлиги истиқлол берган имкониятлар ва халқимизга хос бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин далили эканлигини алоҳида таъкидлади.

ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Анна Паолини байрам аҳлига мазкур халқаро ташкилот бош директори Коичиро Мацууранинг байрам табригини етказар экан, Марғилон ўзининг бой тарихи, маданияти ва маънавияти, ҳунармандчилик анъаналари билан дунё халқларини доимо ҳайратга солиб келганлигини қайд этди.

Тантанада сўзга чиққан марғилонлик қурувчи Камолиддин Йўлдошев, Марғилон тиббиёт коллежи ўқувчиси Зилола Болтабова мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида муқаддас заминимиздаги цивилизация бешикларидан бўлган қадимий шаҳарларимизнинг қутлуғ тўйларини нишонлаш мамлакатимизда хайрли анъанага айлангани, юртимизнинг барча гўшаларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганини таъкидладилар.



Марғилон тўйига тайёргарлик доирасида амалга оширилган ишлар миқёси ва мазмуни, аввало, шаҳардаги тарихий обидаларнинг қайта тикланишида яққол намоён бўлди. Бир қанча қадимий масканлар ва зиёратгоҳларда кенг кўламдаги қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Давлатимиз раҳбари Марғилонга ташрифи чоғида ана шундай иншоотлардан бири — Саид Аҳмад Хўжа Эшон мадрасасида бўлди.

1870-1875 йилларда Фарғона меъморчилиги услубида қурилган бу бино айни вақтда марғилонлик ҳунармандлар марказига айлантирилган. Бу иморат ўз даврининг таниқли зиёлиларидан бўлган Саид Аҳмад Хўжа томонидан бунёд этилган. Бу маърифатпарвар тадбиркор маҳалласидаги болаларнинг илм-маърифатли бўлишини истаб, савобли ишга қўл урган — ушбу бинони — мадрасани қурдирган.

Мажмуада Марғилоннинг 2000 йиллик тўйига бағишлаб ҳунармандлик ва халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси ташкил этилди. Унда вилоятнинг турли ҳудудларидан келган ҳунармандлар ўз маҳсулотлари — мисгарлик, зардўзлик, адрас, атлас, гиламчилик буюмлари билан иштирок этди. Юртбошимиз уларни кўздан кечирар экан, атлас, адрас ва гилам нусхалари ўзининг бетакрор миллий нақши, табиий бўёқлари, тоза ипакдан тайёрланганлиги билан эътирофга сазовор эканини қайд этди. Шу билан бирга ҳунармандларни хомашё билан таъминлаш, маҳсулотларини кўпайтириш ва сотишда уларга ҳар томонлама ёрдам бериш зарурлигини таъкидлади.

— Ёшларимиз замонавий касб-ҳунарларни эгаллаш билан бирга, халқимизнинг қадимий ҳунармандчилик анъаналарини қайта тиклаш ва изчил давом эттириш борасидаги ишлардан ҳам четда турмасликлари керак, — деди Президентимиз ҳунармандлар билан мулоқот чоғида. — Бунда, айниқса, миллий ўйинчоқларни тиклаш, янгиларини яратишга алоҳида эътибор қаратиш даркор. Чунки бола тарбиясида ўйинчоқларнинг аҳамияти жуда катта.

Марғилондан кўплаб азиз-авлиёлар ва фозил зотлар етишиб чиққан. Ислом дунёсининг буюк алломаси, машҳур «Ҳидоя» асарининг муаллифи Бурҳониддин Марғинонийнинг ҳаёти ва фаолиятини ушбу шаҳарнинг энг қадимий масканларидан бири — Пурсиддиқ мажмуаси билан боғлаган ҳолда талқин этадилар. Манбаларга кўра, ҳазрат 9 ёшида шу даргоҳга келиб, 13 йил давомида илму урфон ўрганган. «Ҳидоя»нинг биринчи қисмини айнан шу ерда ёзган.

Юртбошимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги билан диёримиздаги кўплаб муборак қадамжолар сингари бу мажмуа ҳам тубдан таъмирланиб, ободонлаштирилди.

Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу ният мужассам. Марғилон шаҳрида ҳам қатор замонавий таълим даргоҳлари қурилди.

Президентимиз ана шундай билим даргоҳларидан бири 32-мактабнинг янги биноси билан танишиш чоғида мақсад таълим масканларининг ташқи қиёфасини ўзгартириш, улардаги шароитни яхшилашдангина иборат эмас, балки олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнининг мазмун-моҳиятини янада чуқурлаштиришдан, ҳар жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялашдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлади.

Юбилейга тайёргарлик жараёнида ёшларнинг билим олиши, маданий ҳордиқ чиқариши ва спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароит яратиш масаласига катта эътибор қаратилди. Жумладан, замонавий ёпиқ сув ҳавзаси барпо этилди. У 600 куб метр сиғимга эга. Унда бир кунда 180 нафар ўқувчи спорт билан шуғулланиши мумкин. У сувни тозалаш ва иситишга мўлжалланган замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Юртбошимиз Марғилон шаҳрининг қутлуғ тўйи муносабати билан бунёд этилган Марказий деҳқон бозорида ҳам бўлиб, сотувчи ва харидорлар учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди.

Замонавий талабларга жавоб берадиган янги бозор мажмуаси таркибида салкам 1400 савдо ўрни мавжуд. Озиқ-овқат маҳсулотларини санитария кўригидан ўтказиш учун зарур лаборатория ва маъмурий бино қурилган. Бозор савдо расталарининг муайян қисми вилоятдаги фермерлар ва агрофирмалар ихтиёрига берилган бўлиб, бу шаҳар аҳолисини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Шаҳарнинг Мустақиллик, Туркистон, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний, Янги Фарғона, Янги ҳаёт, Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий номидаги кўчалари янада обод бўлди. Замонавий уй-жойлар қурилди, йўллар таъмирланди.

Шаҳарда телефон алоқаси хизматининг сифат даражасини ошириш йўлида рақамли технологияга асосланган иккита АТС ишга туширилди. Транспорт хизматини янада яхшилаш учун янги автобуслар харид қилинди. Сайёҳликни ривожлантириш ишлари ҳам изчил олиб борилаётир. Табиийки, бунда янги бунёд этилган «Адрас» меҳмонхонаси муҳим ўрин тутади.

Шаҳар инфратузилмасини тубдан яхшилаш мақсадида кўплаб маҳаллаларда янги сув тармоғи қуриш, магистрал газ тармоғини ҳалқалаштириш, ичимлик сув, оқава сув тармоқларини капитал таъмирлаш, электр энергияси таъминотини янада такомиллаштириш ишлари олиб борилди.

Янги саноат корхоналари ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш борасида бир қатор ишлар қилинди. Хусусан, «Марғилон текстил» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ишга туширилди. Яна учта қўшма корхонада монтаж ва дастгоҳлар ўрнатиш ишлари якунига етмоқда. Саноат корхоналари дастгоҳларини замонавийлаштириш, янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш, уй меҳнати ва оилавий бизнесни ташкил этиш йўли билан 4310 янги иш ўрни очилди.

Энг муҳими, Марғилон шаҳрида амалга оширилган барча эзгу ва хайрли ишлар ечимида, даставвал, инсон манфаатлари устувор экани ҳамиша эътиборда бўлиб келмоқда.

Шаҳар юбилейига бағишланган бадиий дастурда ана шу улуғвор бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари, эл-юртимизнинг шонли тарихи, саодатли бугуни ва буюк истиқболи мадҳ этилди, театрлаштирилган саҳналарда кўҳна ва навқирон Марғилоннинг ўтмиши ва ҳозирги куни ҳақида ранг-баранг лавҳалар намойиш этилди.

Ҳа, дунёга донғи кетган, азалдан миллий урф-одатларимиз, моҳир ҳунармандлар маскани бўлиб келган, озод ва обод юртимиз дурдонаси — қадимий Марғилон истиқлол шарофати билан замонавий шаҳар сифатида бугун қайтадан намоён бўлди.

Улуғ тўйинг муборак бўлсин, Марғилон!

Ғулом МИРЗО, Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ, ЎзА махсус мухбирлари

«МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ»ДА

ЎзХДП ФАОЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

лан иштирок этдилар.

— Фаоллар «Мустақиллик дарслари»да асосан қайси жиҳатларга ва ўқитувчилардан фарқли ўлароқ ёшлар билан суҳбат жараёнида нималарга кўпроқ эътибор қаратдилар?

— Ўқув йилининг бошланишига саноқли кунлар қолганида Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳияти, унда белгиланган кўпгина мақсад-вазифаларни фаолларимиз тушунтириб бердилар. Президентимиз томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилган Ўзбекистон мустақил ривожланишининг энг муҳим босқичлари, мамлакатимизда барча ислоҳотлар инсон учун, унинг фаровон яшаши, манфаатлари, қолаверса мамлакатимиз ёшларига катта умид боғлаётганликларига, мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги уларга боғлиқ эканлигига батафсил тўхталдилар. Президентимизнинг давлатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида ҳам эзгу мақсад ва режаларимизни рўёбга чиқаришда бизнинг ишончимиз ва таянчимиз бўлмиш ёшларимизга янада кенг йўл очиб бериш, фарзандларимизни замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга бўлган, маънавияти юксак, комил инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб жой олиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳақида айтган фикрлари барча фаолларимизнинг диққат эътиборида бўлди.

Шунингдек, мамлакатимизда икки палатали парламент фаолияти, қонунияратувчилик механизми, сиёсий партиялар, жумладан, ЎзХДП фаолияти ҳақида ёшларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб бердилар. Уларнинг суҳбатлари ўз ҳаётий тажрибаларидан олинган далил ва мисоллар билан тўлдирилганлиги боис мароқли бўлди. Фаолларимиз фақат ўрта мактаблар билан чекланиб қолмадилар. Жойлардаги олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларда ҳам бўлдилар.

— Фаолларнинг бевосита амалий ишлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Жойларда ҳар бир мактабга фаолимиз бириктирилди. Умуман, республика миқёсида барча мактаб ва академик лицейларда бўлиб ўтган «Мустақиллик дарслари»да ЎзХДП фаоллари бевосита иштирок этдилар. Олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларга ҳам бордилар. Масалан, Сирдарё вилояти бўйича 306 та мактаб қамраб олинган бўлса, шундан 178 тасида ЎзХДПдан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар қатнашдилар. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари Атаула Асанов 60-мактабда, Санобар Хўжамуратова, Назира Шомуратова ўзлари сайланган округлардаги 30-ва 40-мактабларда ўқувчилар билан қизғин суҳбатлар олиб боришди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, ЎзХДП фаоли Вера Пак Хива педагогика коллежи, Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзХДП аъзоси Бектурди Жуманиёзовнинг Хива туманидаги 53-мактабга ташрифи кўплаб ёшларнинг қалбида узоқ сақланиб қолса ажабмас. Буюк ўзгаришларнинг бевосита ижодкорлари бўлган қаҳрамонларнинг ҳаёти, меҳнат фаолияти ёшларда ҳавас уйғотди.

«Мустақиллик дарслари»ни мактабдан ташқарида ўтказилишида ҳам фаолларимиз иштирок этдилар. Масалан, халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгашига ЎзХДПдан сайланган Даврон Жўраев ҳомийлигида 28-мактаб ўқувчиларидан бир гуруҳининг Қарши шаҳридаги «Эл-юрт таянчи» монументи ҳамда тарихий обидаларга саёҳати уюштирилди. Бундай мисолларни бошқа ҳудудлар бўйича ҳам келтириш мумкин.

Партиямизнинг барча ташкилотлари орқали бу ишни анъанага айлантиришга қарор қилдик. Умуман, бундай тажриба Ўзбекистон ХДП фаолиятида биринчи марта ўтказилди. Яна шу нарсани англаб етдикки, биз ҳар куни ёшлар билан бирга бўлишимиз керак экан.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ суҳбатлашди.



Суратда: *Тошкент шаҳридаги 132-мактабда бўлган «Мустақиллик дарси»дан лавҳа.*

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ОЛТИН КУНЛАРИДА...

Кейин бригадир бўлди, ҳозир фермер. Ихтиёримизда 80 гектардан зиёд еримиз бор. Пахта, ғалла етиштирамиз. 5 нафар фарзандимиз улғаймоқда. Меҳнатимиз орқасидан ҳеч нарсага зориқмасдан фаровон яшаяпмиз. Ҳар йили 30-40 миллион сўм даромад қилаяпмиз. Имконингиз бўлгач, орзу-ҳавас ҳам кўпаяр экан. Фермерлик орқасидан уй-жой қурдик, тўйлар қилдик, енгил машинали бўлдик. Кўриб турганингиздай, кам таъминланган, кўмакка муҳтож ҳамқишлоқларимизга ҳам имкон қадар ёрдам бераяпмиз.



Мўминжон ДАВРОНОВ, биринчи гуруҳ ногирони:

— Беш нафар фарзандим, ўн бир неварам бор. Хўжаликда ишлар эдим. Дардга чалиниб, ногирон бўлиб қолдим. Шукрки, ҳамқишлоқларим, маҳалладошларим ёлғизлатиб қўйишмади. Ҳол-аҳволимдан хабардор бўлиб туришибди. Бу масалада маҳалламиз оқсоқоли Комил Мамасодиқов, қўшни маҳалла фаоли Салима Умарова, «Маржон Зиёда» фермер хўжалиги раҳбари Аваз Худойқуловлардан миннатдорман. Улар хонадонимга тез-тез келиб туришибди, ҳам моддий, ҳам маънавий томондан қўллаб-қувватлашяпти. Яқинда кенжа ўғлимни уйлантирдим. Тўйнинг бошидан охиригача шулар туришди. Халқимизга хос бўлган беғараз, холис кўмакни ҳар кун, ҳар соатда сезиб, ҳис қилиб турибмиз. Бунинг учун жорий йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилган Юртбошимизга, ҳукуматимизга, саховатпешаликни, одамийликни одат қилган ҳамқишлоқларимга раҳмат, дейман.

Шакарбой АЛИМОВ, қишлоқ врачлик пункти шифокори:

— Тиббий муассасамиз каттагина боғ қўйнида, замонавий кўркам бинода жойлашган. «Тез ёрдам» машинасига, зарур тиббий асбоб-ускуналарга эгамиз. Илгари бундай шароит, эътибор қаерда эди дейсиз. Бу ҳам мустақиллик шарофати. Президентимиз ташаббуси билан фермерлик ҳаракатининг ташкил этилиши натижасида қишлоқда мулкдорлар кўпайди. Улар мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг юксалишига муносиб ҳисса қўшиш билан бирга ўзи яшаб турган ҳудуд ва унинг аҳолиси учун улкан бунёдкорликлар, қатор эзгу ва хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, қишлоғимиз фермерлари ҳам бундан 4-5 ой олдин «Тез ёрдам» учун «Дамас» олиб беришган эди, энди замонавий «УЗИ» аппарати харид қилишни мўлжаллаб туришибди. Бу, албатта, биз учун катта қулайлик дегани ва айни замонда зиммамизга масъулият ҳам юклайди. Ахир, бизга шунчалик ёрдам, мадад бераётган фермерлар, уларнинг ишчи-хизматчилари, оила аъзолари, қишлоқ аҳли саломатлигини сақлаш учун қанчалик жон куйдириб, сидқидилдан хизмат қилсанг арзийди.

Салима УМАРОВА, «Боғистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

— Қишлоғимизда 270 нафар пенсионер, кам таъминланган оила, ёрдамга муҳтож фуқаролар истиқомат қилишади. Йил бошидан бери уларга 87 миллион сўмдан кўпроқ пенсия, нафақа ва моддий ёрдам пуллари тарқатилди. Ўнлаб оилаларга ҳомийлар биркитилиб, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган.

●●●

Биз Бўстонда, бўстонликлар ҳузурида бўлганимизда кузнинг оддий, илиқ кунларидан бири эди. Одатда, дов-дарахтларнинг яккам-дуккам япроқлари олтинранг тус ола бошлаган, бу эса хазонрезги онлар яқинлашаётганидан дарак бераётган бундай пайтларда қишлоқ одамларининг ташвишлари янада кўпаяди. Деҳқон учун йиғим-теримнинг айни қизғин палласи, яъни ғалвирни сувдан кўтарадиган пайт. Ҳавода кузги мезонлар билан бирга дала меҳнаткашларининг, боғбону фермерларнинг ҳам бу йилдан кутган орзу-умидлари учиб юргандек, эшик қоқаётгандек. Демак, қишлоқ одамлари бугун беғам, беташвиш эмас, унинг ўз ҳаётий режалари бор. Уларнинг аксарияти бутун кўклам ва ёз бўйи меҳрини бериб меҳнат қилган қадрдон даласи томон шошилади. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдураззоқ Аллаёров ҳам дала айланмоққа чоғланаётган экан. Шундай бўлса-да, бизга ҳамроҳлик қилишга вақт топди, йўл-йўлакай меҳнатсевар, ориятли, фидойи ҳамқишлоқлари ҳақида ғурурланиб, фахрланиб сўзлаб берди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: *Муҳаббат Ёрбекова саранжом-саришталі, файзли-фаришталі хонадон бекаси; қишлоқ фаоллари биринчи гуруҳ ногирони Мўминжон Давронов ҳузурида; қишлоқ врачлик пункти шифокорлари навбатдаги чақириққа шошилмоқда.*

Доногул ЖЎРАЕВА олган суратлар.

Экология: янги лойиҳа амалда

«УЧСОЙ»ГА ЗИЛОЛ СУВ КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги тантаналари арафасида «Мўйноқ-Учсой» сув қувури ишга тушди. Мазкур объект қурилиши «Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманининг «Учсой» қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш» лойиҳаси доирасида «Экосан» халқаро ташкилоти, «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясининг «Ўзтрансгаз» компанияси ва Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан молиялаштирилди. Бунинг учун 45 миллион сўм маблағ ажратилди. Лойиҳа амалга оширилиши билан «Учсой» қишлоғининг 1,5 минг нафар аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

*Эслатиб ўтиш жоиз, **«Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманининг «Учсой» қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш»** лойиҳаси 2007 йилда «Экосан» халқаро ташкилотининг ташаббуси билан бошланган эди. Туман ҳокимияти ёрдами билан сув қувурларини ўтказиш ишлари белгиланган муддатидан анча олдин якунланди. Энди учсойликлар тоза, зилол ичимлик сувдан баҳраманд бўлиш билан бирга, айни пайтда ҳудудлар ҳам тўла экологик муҳофазаланди.*

Сув қувурини истеъмолчиларга топшириш маросимида «Экосан» халқаро ташкилоти раиси Ю.Шодиметов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси ўринбосари Г.Ражапов, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси бошқаруви раиси Б.Умархонов Оролбўйи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мамлакатимизнинг ижтимоий сиёсатида устувор йўналишлардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Хония АСИЛБЕКОВА, «Экосан» халқаро ташкилоти матбуот маркази раҳбари.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

МИЖОЗ МАНФААТИ — БОШ МЕЗОН

«ЎЗМИЛЛИЙБАНК»НИНГ БУХОРО ВИЛОЯТ БЎЛИМИ ФАОЛИЯТИДАН

Мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб мамлакатимизда хусусий мулкчиликни ҳар томонлама кенгайтириш ва одамларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Мамлакат иқтисодиёти равнақида алоҳида ўрин тутувчи кичик бизнес аҳолини иш билан таъминлаш, кишиларнинг турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим омили саналади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Бухоро вилоят бўлими ташкил этилганидан буён кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларни молиявий қўллаб-қувватламоқда. Чунончи, йил бошидан 436 та кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларга ажратилган имтиёзли кредитлар асосан чорвачилик, ишлаб чиқариш, тикувчилик, миллий ҳунармандчилик ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилди.

Масалан, Миллий банкнинг Бухоро бўлими мижози, хусусий тадбиркор Неъмат Файзиевга автомобилларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида автомобиль мойлаш жиҳозлари сотиб олиш учун бир йил муддатга 20 млн. сўм кредит маблағи ажратилди. Бугунги кунда хусусий тадбиркор ўттиздан ортиқ корхона ва ташкилотлар билан шартнома тузиб, автомобилларга техник хизмат кўрсатиб келмоқда.

Кичик бизнес субъектларидан «Маҳбуба-А» хусусий корхонасига жорий йил бошида колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида хомашё харид қилиш учун 30,0 млн. сўм кредит маблағи берилди. Кредит маблағидан самарали фойдаланаётган корхона қарзни муддатида тўлаб бормоқда, у 21275,0 минг сўмлик колбаса маҳсулотларини ишлаб чиқариб, бир ярим миллион сўмликдан зиёд соф фойда олди. 10 та ишчи ўрни ҳам яратилди.

Вилоятдаги тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Ўтган ярим йилликда барча молиялаш манбалари ҳисобидан уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 300,2 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижаси ўлароқ 148 та янги ишчи ўринлари ташкил топди.

Халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг биринчи ярмида банк томонидан ажратилган кредитларнинг 38 фоизини қисқа муддатли, 62 фоизини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади.

Бухоро шаҳар Аббос Алиев номли маҳалла фуқаролар йиғинидаги Мирдўстим кўчаси, 156-уйда яшовчи кам таъминланган фуқаро Эркин Бобомуродов банкнинг маблағлари ҳисобидан олган 993,6 минг сўм кредит эвазига икки бош қорамол харид қилди. Янгиобод фуқаролар йиғинига қарашли Янгиҳаёт кўчаси, 11-уйда яшовчи фуқаро Умар Ахтамов эса иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган 993,6 минг сўм имтиёзли кредит ҳисобига икки бош қорамоллик бўлди.

Албатта, бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин...

Банк бўлими томонидан йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга ҳам катта эътибор қаратилган. Масалан, «Пешкутекс» қўшма корхонасининг Осиё Тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан 2 млн. 998,7 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиш учун тайёрлаган ҳужжатлари «Ўзмиллийбанк» кредит қўмитаси томонидан мақсадга мувофиқ деб топилиб, ушбу лойиҳа молиялаштирилди. Швейцариянинг «RIETER» фирмасидан пахта толасидан йилига 2577 тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган технологик линия олиб келинди. Қўшма корхона жами йил бошидан 732,8 тонна ип-калава ишлаб чиқариб, 1 млрд. 246 млн. 053,6 минг сўмга сотди. Ишлаб чиқарилган ип-калаванинг 609,1 тоннаси 925,1 минг АҚШ доллари ҳисобида экспорт қилинди.

«Пешкутекс» ўз ҳисобидан ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида Швейцариянинг «Rieter» компаниясидан жами 275,0 минг АҚШ долларига ип-калава йигирувчи ускуна ҳамда Белоруссиянинг «Оршанский» комбинатидан жами 36,0 минг АҚШ доллари бўлган ип-калаванинг иккитасини бир бутун қилиб ўровчи ускуна харид қилди. Бугунги кунда қўшма корхона келтирилган импорт ускуна бўйича тўловларни қисман амалга оширди. Корхонада 97 та янги ишчи ўринлари очилди. Маҳаллий хомашёдан юқори сифатли ипкалава тайёрлаб, жаҳон стандартларига мос келадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятини ошириш имконини берди.

Германиянинг «Универсал импорт-экспорт» корхонаси билан Ўзбекистоннинг «Зиёбахш» хусусий корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган Ўзбекистон — Германия «Зиёбахш-Уни-трейдинг» қўшма корхонасининг асосий фаолияти пиво ишлаб чиқариш ҳисобланади. Қўшма корхонанинг 6 млн. 693,5 минг АҚШ долларлик инвестицион лойиҳаси Германиянинг «Штайнекер» фирмаси билан тузилган бўлиб, пиво ишлаб чиқариш ва соатига 5000 дона ярим литрли шиша идишларга пиво қуйиш қувватига эга бўлган технология харид қилиш учун Осиё тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан 4 млн. 990,0 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Лойиҳани молиялаштириш 2000 йилнинг 31 июлидан бошланиб, аккредитив очилган. 2003 йилнинг 10 июнидан бошлаб вилоятда «Зиёбахш-Уни-трейдинг» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси «Asia» номи билан пиво ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозир бу маҳсулот мамлакатимиз бозорида харидоргирдир.



«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти «Зумрут» шўъба корхонаси Германиянинг «Тексита» фирмасидан йилига 1294 тонна ўрама ип-калава ва 3 млн. 622 минг дона момиқ сочиқлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган асбоб-ускуналар харид қилиш учун 2 млн. 919 минг 150 АҚШ долларилик кредит ажратиш тўғрисидаги талабномаси кўриб чиқилиб, Миллий банк кредит қўмитаси томонидан маъқулланди. Ушбу кредит маблағи Осиё Тараққиёт банки кредити ҳисобидан хорижий валютада кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўрама ип-калава ва момиқ сочиқлар ишлаб чиқариш учун 7 йил муддатга берилди. Бугунги кунда чет эл инвесторлари томонидан асбоб-ускуналар етказиб берилган, ўрама ип-калава ишлаб чиқариш цехи ишга туширилган.

Ўзбекистон — Франция «Ле Уат де Бухара» қўшма корхонасига Халқаро молия корпорацияси кредити ҳисобидан хорижий валютада кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида тиббий пахта ишлаб чиқариш учун 7 йил муддатга 9,75 фоиз устама билан салкам бир миллион АҚШ доллари ҳисобида кредит ажратилган бўлиб, тезда молиялаштирилган. Франциянинг «Амалрик инжиниринг» фирмасидан тиббий пахта ишлаб чиқарадиган технологик асбоб-ускуна харид қилинган.

Ўрнатилган асбоб-ускуна туфайли қўшимча 75 та ишчи ўрни яратилди, ўтган ярим йил ичида жами 145,5 тонна экспортга жўнатиладиган кипдаги момиқ пахта ва маҳаллий бозорларга реализация қилинадиган 198,3 минг дона қадоқланган момиқ ишлаб чиқаришга эришилди ҳамда маҳсулот сотишдан жами тушум 282,896,0 минг сўм, 160,1 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Бўлим ва унинг Вобкент, Ғиждувон, Шофиркон, Ромитан, Қоракўл, Когон, Қоровулбозор филиаллари томонидан вилоятдаги 1086 та фермер хўжалигига банк хизматлари кўрсатилмоқда.

Бугунги кунда аҳолига манфаатли шартлар асосида миллий валютадаги 10 дан ортиқ турдаги омонатлар таклиф этилмоқда. Айниқса «Сўм пластик карточкаси», «Ният», «Келажак», «Таътил», «Кўпайсин», «Хумо», «Баҳорги», «NBU-Классический» сингари омонат турларига мижозларнинг қизиқиши катта. Вилоят фуқароларига «WESTERN UNION», «Азия Экспресс», «Контакт», «Мигом» тизимлари бўйича ҳам хизматлар кўрсатилмоқда.

Буларнинг барчаси банк бўлими ходимлари мижоз учун, унинг манфаатлари учун ишлаётганлигидан далолат беради.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ЯНА УЧТА ОСМОНЎПАР БИНО ҚУРИЛАДИ



Нью-Йорк маъмурлари 2001 йилда террорчилар томонидан вайрон қилинган Бутунжаҳон савдо марказининг эгизак бинолари ўрнига янги бино қуриш учун рухсат беришди. Лойиҳа муаллифлари пайшанба куни журналистларга қурилиш 2012 йилда якунланишини айтишди. Эгизак бинолар ўрнида қурилган иншоот ёнида яна учта осмонўпар бино қад ростлайди.

Гринвич стрит-200 манзили бўйича қуриладиган минора лойиҳасини архитектор лорд Норман Фостер тақдим этди. У 79 қаватдан иборат бўлади. Иккинчи 71 қаватли минора лойиҳаси эса Роджерс Стирк Харбор томонидан ишланган. У Гринвичстрит-175 да жойлашади. Учинчи бино эса 64 қаватли бўлиб, лойиҳасини Фумихико Маки яратган.

«ИЛ-38» САМОЛЁТИДАН ВОЗ КЕЧДИ

Ҳиндистон ўз буюртмасига кўра «денгиз илони» қидирув-мўлжалга олиш тизими ўрнатилган Россиянинг 5 та «Ил-38» самолётини қабул қилиб олишдан воз кечди. Ҳиндистон томони шартнома бўйича модернизация қилинган «Ил-38» учун маблағ ўтказишни тўхтатиб қўйган. Шартнома 2001 йилда тузилганди. Унинг нархи 150 миллион АҚШ доллари деб белгиланди. Ҳозирча Ҳиндистон томони самолётдан нега воз кечганини изоҳлагани йўқ.

ЭНГ МАШҲУР ОДАМ



«Vanety Fair» журнали молия, технологиялар, мода ва кўнгилочар оммавий тадбирлар соҳасида энг таниқли одамларнинг йиллик рўйхатини тайёрлади. Бу рўйхат кейинги ҳафтада журналда босилади. Рўйхат бошида медиамагнат Руперт Мердок турибди. У ўтган йили ҳам шу номга сазовор бўлганди. Иккинчи ўрин APPLE компанияси раҳбари Стив Жобсга насиб этди. Учинчи ўринни эса Ларри Пейж ва Сергей Брин эгаллашди. Рўйхатда АҚШнинг собиқ Президенти Билл Клинтон ва кинорежиссёр Стивен Стилберг ҳам бор.

49 КИШИ АЗИЯТ ЧЕКДИ

Жума кунига ўтар кечаси Японияннинг Хонсю оролида юз берган тўфон натижасида 49 киши жароҳат олди. 71 ёшли Нагано вилояти фуқаросини эса дарахт босиб қолди. Япония авиация компанияси 209 та рейсни бекор қилди. Ўн минглаб одамлар эвакуация қилинди. 20 мингдан ортиқ хонадон электр энергиясидан маҳрум бўлди.

Интер-спорт

ШЕВЧЕНКО:

«МЕНИ ЎЙИНГА ҚЎЙИШМАЯПТИ»

Украиналик моҳир тўпурар Андрей Шевченко Лондоннинг «Челси» клубида ўзига нисбатан эътиборсизлик билан қаралаётганига норозилик билдирмоқда. Жамоа бош мураббийи Жозе Моуриньо эса Шевченконинг белидан олган жароҳати ҳали яхши тузалмаган, дея таъкидламоқда. Аммо тўпурар 22 август куни Украина — Ўзбекистон терма жамоалари ўртасида ўтказилган ўртоқлик учрашувида 55 дақиқа майдонда ҳаракат қилди. Шевченко шу кунларда Украина футболчиларининг Европа чемпионати саралаш ўйинларида Грузия жамоасига қарши ўйинда майдонга тушишга тайёргарлик кўрмоқда. «Челси» нима учун мени майдонга қўймаётганига ҳайронман, — деди Шевченко. — Лекин фурсат кутиб, сабр қилиб турибман. «Челси» бош мураббийининг фикрига қараганда, ҳозирча жамоада тўпурурлар етарли экан.

Тошкент Давлат юридик институти томонидан 1995 йилда Матибрагимов Сабиржон Эргашевич номига берилган С-055 №033037 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

Қанча йиллар ўтмасин, эзгулик қаримайди, ёмонлик қанча эъзозланмасин, барибир азиз бўла олмайди.

Юсуф Хос Ҳожиб

Илм қоғозга ёзиш, чизиш билан эмас, балки ўқимоқ ва уқимоқ биландир.

Замахшарий

Бошқаларнинг нуқсон-камчилигини ипидан игнасигача кўриб, ўзиникига эътибор бермаслик ўтакетган юзсизликдир.

Демокрит

Ҳар бир сўзимиз, ҳар бир ишимиз, ҳар бир дақиқамиз, ҳар бир кунимиз билан, бир яхшилик билан, бир хайр билан, бир гўзаллик билан, бир фойдамиз билан ЯХШИЛИК ***ходими*** *бўлмоғимиз керак!*

Маҳмуд Асъад Жўшон

САВОБ ШУ...

Сув берган савобга
қолар дейдилар.
Дуою олқишлар
Олар дейдилар.
Нокас-чи, ҳар қултум
Сувдан минг фойда
Олиб ҳамёнига
солар дейдилар.
Донолар айтмишлар
Савобталаблар
Ҳеч шаксиз жаннатга
Борар дейдилар
Нокаслар-чи, судхур
Тамғаси билан
Тоабад дўзахда
Қолар дейдилар...

Абдурасул РАҲИМОВ, Шўрчи тумани.

Миннатдорчилик

ЯХШИЛАР БОР БЎЛСИН

Узоқ йиллар коммунал хизмат кўрсатиш идорасида ишладим. Соғлигим ёмонлашганлиги боис ногиронлик нафақасига чиқдим. Ҳозирда II гуруҳ ногирониман.

Яқинда соғлигим ёмонлашиб, оғир аҳволга тушиб қолсам, денг. Шунда Самарқанд шаҳридаги Темирйўлчилар касалхонасига мурожаат этдим. Шифохона маъмурияти «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан менга бепул даволаниш имкониятини яратиб берди. Айниқса, бўлим мудири Роза Файзуллаева, ҳамшира Галина Голигитаналарнинг ширинсўзлиги мени тезроқ оёққа турғазди, десам ишонаверинг. Бахтимизга қалби пок, меҳрибон шифокорлар бор бўлсин.

Шараф МАЪРУПОВ. ЎзХДП аъзоси.

Ўқинг, қизиқ!

ЧУВАЛЧАНГ ТУТИШ БЕЛЛАШУВИ

Англияда ҳар йили чувалчанг тутиш беллашуви ўтказилади. Албатта, бу ёмғир ёққандан кейинги ўтказиладиган тадбир, деб ўйлаяпсизми. Йўқ, бундай эмас. Бу беллашув ёмғир ёғмаган пайтларда ўтказилади. Ёмғир чувалчангларини тутиш учун эса ерни ковлаш қатъиян ман этилади. Иштирокчилар бошқа усуллар билан чувалчангларни ердан чиқариб олиб тутишлари лозим бўлади. Бунинг учун беллашув қатнашчилари турли мусиқа асбобларини чаладилар, баъзилар эса турли дуолар ўқийдилар. Ким чувалчанг тутиш учун нимани истаса, шуни қилиши мумкин.

Мунтазам равишда ўтказилиб келинаётган бу байрамнинг ўз ишқибозлари бор ва улар дунёнинг жуда кўп мамлакатларидан ташриф буюрадилар. Улар ўзларининг ўйлаб топган усуллари билан чувалчангларни ер устига чиқаришга ҳам эришадилар. Ғолибларга беллашув ҳакамлар ҳайъатининг қимматбаҳо мукофотларидан ташқари ўринлар ҳам ажратилади. Шаманлар, лўлилар ва бошқа мазҳаб вакиллари ўз амаллари билан чувалчангларни ердан чиқара бошлайдилар. Бу эса томошага айланиши турган гап. Беллашув тугаши билан чувалчанглар безиён ерга яна қўйиб юборилади.

С.СИРОЖИДДИНОВ тайёрлаган.

КАШФИЁТМИ ЁКИ АЛДОВ?

Шиддат билан ривожланаётган даврга назар солсак, янги ихтиролар ва янги-янги кашфиётларнинг гувоҳи бўламиз. Уяли алоқа воситаларини ишлаб чиқарувчи компаниялар эса йилдан-йилга телефонларнинг турли хил турларини ўйлаб топишдан чарчашмаяпти. Уларнинг ўлчами кичрайиб бормоқда, имконияти эса аксинча, ортиб бораяпти.

Масалан, яқинда бир компания суҳбат жараёнида 10 дан ортиқ товушни ҳосил қилувчи овозларни ишлаб чиқарди. Дейлик, сиз ухлаб қолдингиз. Ўринда ётган ҳолда бошлиғингизга қўнғироқ қиласиз, «автомобилда тирбандлик» тугмасини босганингиздан сўнг телефон мотор гувиллаши, машина сигналларининг товушини беради. Раҳбарингиз эса сизни тиқилинчда қолиб кетганингизга албатта ишонади. Ёки турмуш ўртоғингизни театрдаман, дея ишонтирмоқчимисиз? Унда суҳбат давомида операдан ария ёки актёрлар монологидан фойдаланинг. Қаранг, қандай ажойиб кашфиёт-а! Кашфиётчилар эса бу билан ҳам чегараланиб қолаётганлари йўқ. Энди улар товуш муаммосини ҳал этиб, тасвир борасида бош қотиришмоқда. Ҳозирча бундай қурилма NOKIAнинг махсус моделларига ўрнатиляпти, холос.

Ғўзал ХАЙРИДДИНОВА

Ҳолат

ЙЎЛ МАНЗАРАЛАРИ

...Мана бу майда баргли дарахт худди одамларга ўхшаркан: унда-мунда япроқлари сарғайган бўлса ҳам, мунчоқдек гуллари шокилашокила бўлиб бодраб ётибди. Атрофда дарахтлар ямяшил, чечаклар турфа ранг бўлганда йўлларда юришнинг гашти бошқача. Шу мавсумда пиёда узоқ-узоқ сайр қилгим келаверади...

Беихтиёр тўхтадим. Ёнгинамдан тезлигини секинлаб ўтган мовий «Тико» ўн-ўн беш қадамча нарига — ён томондаги кўп қаватли уйнинг йўлаги қаршисига бориб тўхтади. Мен шошилаётганим йўқ, беихтиёр қадамим тағин ҳам секинлашди.

«Тико»нинг ўнг томонидаги олд эшиги очилиб, аввал қип-қизил помидорлар билан тўлдирилган челак ерга қўйилди. Кейин ёшгина ҳомиладор аёл ўзини авайлаб машинадан тушди-да, энгашиб қаппайган халтани олди. Ичкарига яна бошини тиқди, шилдиратиб узатилган калит шодасини халтасига ташлади. Эшикни тирсаги билан итарди-да, ердаги челакни бўш қўли билан кўтариб, оғир карвондай йўлакка йўналди. «Бу аёл бинонинг қайси қаватида яшаркин? Ёрдам бериш керак...» — деган хаёл кўнглимдан ўтиб улгурмай, «Тико»нинг ичидаги одам босиб-босиб икки марта сигнал берди. Аёл қўлидаги юкларини ерга қўйди. «Ҳайдовчи калит узатди-ку, бегона бўлмаса керак. Балки эридир, балки фарзанди. Бекорга уни тўхтатмади. Ҳозир машинадан тушиб, ҳомиладор аёлга ёрдам беради» деб ўйладим ўзимча.

Аёл орқасига ўгирилиб, бошини қия қилиб машина ичкарисига қаради, ниманидир тушунмади, юзларида савол аломати зоҳир бўлди.

Кейин... гуноҳкордай қайтиб борди-да, қия қолган машина эшигини қарсиллатиб ёпди. «Тико» жойидан шитоб билан қўзғалди... Қизиқ бўлди, ғалати бўлди.

✧✧✧

Гуллар ҳам қуёшга ўхшайди, ёзнинг чилласида чарақлаб, ранглари ловуллаб чаман-чаман очилади. Эрта баҳорнинг изғиринида оловранг (ёшлигимизда — ироқи дўппи тиккан пайтимизда бу рангни чин қизил дердик) камзул кийиб олган аёллар йўл четларига эккан гуллардан уларнинг ўзларидан ҳам кўпроқ биз баҳра оламиз. Яратганнинг мўъжизаларидан кимлар ҳузур қилади, кимлар... бўлмаса, музқаймоқнинг қоғозини, ичиб бўшатган сувининг идишини, сигаретининг бўшаган қутисини ямяшил майсалар устига, гуллар орасига ташлармиди?!

Бекатнинг пешайвони соя солган ичкарироқдаги ўриндикда ўтирарканман, оловранг камзул кийган, бир қўлида анчайин қаппайган эса-да, енгиллиги шундоқ сезилиб турган елим халта, иккинчи қўлида шувоқдан боғлаган бесўнақай супургисини судраганча кекса хотин — кўча фарроши яқин келди. Супургисини ўтирғич ёнига қия тираб қўйиб, ён томондаги дўкончага кириб кетди, сал ўтмай елим идишда ғайритабиий сап-сариқ тусдаги «Салқин ичимлик» кўтариб чиқди, ёнимга ўтириб, чанқоқлик билан идишнинг оғзидан сув ича бошлади.

Олтмишлардан ошгани қиёфасидан кўриниб турибди. «Кийимлари чангми ёки нурсизми... балки ҳар иккиси ҳамдир,» — бу ўй кўнглимдан «ялт» этиб ўтаркан, кўзимни катта очиб унга қарадим: «Мана шу аёл чангу ғуборлар ичида юриб, юзини очган озода йўллардан ўтган одамларнинг сон-саноғи бормикин?»

Бекатга келиб қолган троллейбуснинг шарақ-шуруқини бирдан англаб қолдим, ҳудди шу лаҳзада фаррош ҳам қўлидаги сувнинг қопқоғиниям ёпмай, нарсаларини нари-бери олиб, олдинга интилди. Аммо троллейбус тўхтамай ўтиб кетди. У «аттанг!» — дегандай жойида туриб қолди. Орқасига ўгирилди. Ўриндиқ томон қайтиб келаркан, ўзигами, менгами изоҳ берди:

— Тушадиган одам йўқ экан-да, шопир мени кўрмади...

Ўриндиқнинг икки бошида ўтирганча, яна ҳар ким ўз машғулотига берилди: шеригим ёш боладай сув ичиб тўймасди, мен — бир синчков одам — теграмни жим кузатаман. Фаррошнинг чарчоғи, менинг хаёлга берилганим сабабми, навбатдаги троллейбус бекатга келиб тўхтаганда ҳушёр тортдик. Мен барибир унга чиқмайман, лекин фаррош шошиб қолди: нарсаларини кўтариб, судраб олдинга чопмоққа интилди. Бу сафар хавотирланмадим, чунки троллейбус зиналаридан икки йўловчи шошилмай пастга тушиб келарди. «Фаррош бемалол улгуради.» Ҳайдовчи очиқ эшикдан биз томонга қараб турарди, унинг кўз ўнгида оловранг камзулли кекса аёл троллейбусга чиқиб олиш учун бор кучи билан интилиб борарди.

Йўловчилар пастга тушди. Бир неча дақиқалар ичида кўнглимга қандайдир яқин бўлиб қолган фаррошнинг очиқ эшикларга етишига икки-уч қадамгина қолди. Шунда... троллейбус эшиклари шарақлаб ёпилди. Қаттиқ зарбадан чўчиб тушган каби улкан темир вужуднинг бўлак-бўлаклари асабий тараклади-да, юрди-кетди!

Наздимда, ҳайдовчи шундоққина ўзига пешвоз югуриб, интилиб келаётган САВОБнинг юзига эшигини қарсиллатиб ёпди-да... қаёққа кетди?..

Муҳтарама УЛУҒ

Спорт

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ЯРИМ ФИНАЛДА

Тошкент теннис марказий кортларида қизғин давом этаётган Осиё чемпионати ғолиб ва совриндорлари бугун аниқланади.

Эркаклар ўртасидаги беллашувларда ўзбекистонлик теннис усталаридан икки нафари — 2005 йилги Осиё чемпиони Денис Истомин ва ёш теннисчимиз Важа Узоқов ярим финалга йўлланма олди. Мусобақада биринчи рақамда сараланган Денис Истомин чорак финалда Жанубий Корея вакили Жай Сунг Ан билан беллашди. Қизиқарли ўтган учрашувда ўзбекистонлик ракетка устаси 6:3, 6:4 ҳисобида зафар қучиб, бош соврин учун курашни давом эттирадиган бўлди.

Денис Истоминнинг ярим финалдаги рақиби яна бир ҳамюртимиз Важа Узоқов ва турнирнинг тўртинчи рақамли ракеткачиси Муҳаммад Ғариб (Кувайт) ўртасида ўтказилган баҳсда аниқланди. Важа беллашувни кескин ҳужумлар билан бошлаб, биринчи сетни 6:1 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Кейинги сетда эса ҳамюртимизга 1:2 ҳисобида имкониятни бой бераётган кувайтлик теннисчи учрашувни давом эттирмаслигини билдириб, Важанинг устунлигини тан олди.

Энди ярим финалда икки ҳамюртимиз бир-бири билан беллашишини инобатга олсак, ким ғалаба қозонишидан қатъи назар, финал ўзбекистонлик теннисчилардан бири иштирокида ўтиши ойдинлашади.

Хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда амалдаги Осиё чемпиони Ирода Тўлаганова (Ўзбекистон) ярим финал йўлида хитойлик Йи Фан Ксюни 6:4, 6:3 ҳисобида доғда қолдирди. Ҳамюртимиз навбатдаги учрашувни И Хсуан Хванг (Хитой Тайпейи) билан ўтказади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, Қаҳрамон ҚАРШИЕВ, ЎзА мухбирлари

18 август сонида эълон қилинган СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: *Қосимжонов. Сўм. Скандий. Або. Олам. Тан. Мина. Навоий. Ёт. Ин. Юк. Лос. Маош. Ион. Юк. Она. Регистон.*

Бўйига: *«Қобуснома». Саида. Милод. Ора. Олтин. Марс. Хива. Ибрат. Роу. Ли. Нома. Имо. Анор. Юг. Икки. Он. Аён. Ананас. Иш. Санта.*

Фозилжон ОРИПОВ тузди

Газетамизнинг 18 август сонидаги изоҳсиз суратга изоҳлар

«Мени тутиб бўпсан овсар.
Тушингни сувга айтавер...»

Фўруз МАҲМУДОВ, Бухоро

✧✧✧

«Аввал мени отмасидан,
Бир тепсамми, тепасидан?
Ҳаё-ҳуйт, овчи тамом,
Милтиғи — металлом!»

Алписбой ИБОДУЛЛАЕВ, Нукус

✧✧✧

«Ҳой ким бор, овчини уйғотинглар, ўқи йўқ, бечоранинг. Мен тезроқ уйга етиб олайин».

Мунаввар ҚОСИМОВА, Данғара тумани

✧✧✧

«Оқ илон, оппоқ илон,
Ойдинда ётганинг қани?
Сен мени ёмон девдинг,
Яхшини отганинг қани?»

Каримжон САФАРОВ, Денов

«Мерганнинг ҳам учрадим нақ анқовига,
Қани энди, тезроқ пинакка кетса,
Милтиғини «бартер» қилиб ўз овига
Тушар эди-я, овсар ўз тушовига...»

Шаҳзода МАМАЖОНОВА, Тошкент

Қандай изоҳлайсиз?



ҲАЖВОМАЛАР

Қайнонаси бўлмагач...

Ғафур Ғулом таҳририятларга келганда ходимлар хурсанд бўлиб кетарди. Бир куни шоир «Шарқ юлдузи» журналига келади. Бош муҳаррирнинг бир ҳикоядан кўнгли тўлмай, боши қотиброқ ўтирган эди. Ҳикоя ўша вақтларда анча «мода» бўлган мавзу — қайнона-куёв можароси ҳақида эди.

Ғафур акадан ҳикояни бир кўриб беринг дея илтимос қилишади. Шоир кўлёзмага бирров кўз ташлайди-ю хўрсиниб қўяди:

— Одам Ато дунёдаги энг бахтли инсон бўлган экан-да!!

— Нега энди, Ғафур ака?

— У кишининг қайноналари бўлмаганда!!

Эр-хотиннинг уруши...

Ҳар қандай оила, рўзғорда ҳам паст-баланд, ширин-нордон гаплар бўлиб туради. Қаҳҳорлар оиласи ҳам бундан мустасно эмас эди. Аммо Абдулла Қаҳҳорнинг ўша машҳур лутфлари, бетакрор, қочирим иборалари бу ажойиб оилада камдан-кам ҳолатдагина бўладиган ноҳуш вазиятларда масалага аниқлик киритиб, англашилмовчиликни бартараф этар, лаҳзалик ғуборни булутдек тарқатиб юборар эди.Масалан, хотиннинг хархашасига Абдулла ака шундай ҳазил билан жавоб қиларкан: «Қаерга борсам Сизни носковоқдек белимга тугиб юрсам, она тилимни қўйиб хотин тилида гаплашсам, (эр-хотин уйда кўпинча тожик тилида гаплашишган) яна нима қилишим керак?»

Кунлардан бир куни эр-хотин ўртасида андак гап қочиб, Кибриё опа «Кетаман!» дея астойдил тўнини тескари кийиб олибди. Аммо айтилган бу жиддий гапга Абдулла ака негадир парво қилмабди. Индамай ёзиб-чизиб ўтираверибди. Кибриё опа ноқулай аҳволда қолибди. Ўша қалтис гапни айтишга айтиб қўйди. Энди нима қилиш керак? Яна ёзувчининг ўзи жонига оро киради. Оғир сукунатдан кейин адиб столдан оғир бош кўтариб, томоқ қиради:

— Ҳмм...Кетаман денг? Қизиқ бўлди-ку! Ширамизни сўриб олиб, пўстлоғимизни пуфлаб ташламоқчи экансиз-да?

Бу гапни эшитган Кибриё опа беихтиёр кулиб юборади...

Шодмон ОТАБЕК

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Qurbon ESHMATOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

I — 849
8101 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 2.30
Topshirilgan vaqti — 2.30
1 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda